

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ЭЛЕКТРОН СУД ЮРИТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ ВА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ

Исоқов Ойбек Қобилжон ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқотчиси.

e-mail: isoqovoybek0711@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19882812>

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси босқичини рақамлаштиришининг Хитой, Эстония, Жанубий Корея, Сингапур ва АҚШ суд тизимларидаги амалий тажрибаси қиёсий-ҳуқуқий мушоҳада асосида таҳлил қилинади. Ривожланган давлатлар электрон суд тизимларининг ҳуқуқий асослари, технологик архитектурасидаги умумий ва хусусий хусусиятлар ажратиб кўрсатилади. Европа Кенгашининг СЕРЕЖ томонидан 2018 йилда қабул қилинган «Суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш тўғрисидаги Этик Хартияси» бешта принципи — инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, камситмаслик, сифат ва хавфсизлик, алгоритмик шаффофлик ва «Human-in-the-loop» — жиноят процессуал ҳуқуқи призмасида юридик верификация қилинади. Ўзбекистон Республикасида ПФ-140-сонли Фармон доирасида «Рақамли суд» концепциясини имплементация қилишда мазкур тажрибадан фойдаланишининг стратегик чегаралари белгиланади.

Калит сўзлар: электрон суд юритиш, «Human-in-the-loop» принципи, алгоритмик шаффофлик, Европа Этик Хартияси, рақамли тенгсизлик, «Paperless Court», процессуал кафолат, «Smart Court», алгоритмик аудит, «predictive justice», «Asynchronous Hearings», рақамли верификация.

Аннотация. В данной статье на основе сравнительно-правовых наблюдений анализируется практический опыт цифровизации кассационной стадии уголовных дел в судебных системах Китая, Эстонии, Южной Кореи, Сингапура и США. Выделены правовые основы электронных судебных систем развитых стран, общие и специфические особенности их технологической архитектуры. Пять принципов «Этической хартии об использовании искусственного интеллекта в судебной системе», принятой СЕРЕЖ Совета Европы в 2018 году, – уважение прав человека, недискриминация, качество и безопасность, алгоритмическая прозрачность и «человек в процессе» – юридически проверены через призму уголовно-процессуального права. Определены стратегические границы использования этого опыта при реализации концепции «Цифрового суда» в Республике Узбекистан в рамках Постановления № PF-140.

Ключевые слова: электронные судебные процессы, принцип «человек в процессе», алгоритмическая прозрачность, Европейская хартия этики, цифровое неравенство, «Безбумажный суд», процессуальная гарантия, «Умный суд», алгоритмический аудит, «прогнозирующее правосудие», «Асинхронные слушания», цифровая верификация.

Abstract. This article analyzes the practical experience of digitizing the cassation instance stage in criminal cases in the judicial systems of China, Estonia, South Korea, Singapore and the USA on the basis of comparative legal observations. The legal foundations of electronic judicial systems of developed countries, general and specific features of their technological architecture are highlighted. The five principles of the "Ethical Charter on the Use of Artificial Intelligence in the Judicial System" adopted by the CEPEJ of the Council of Europe in 2018 - respect for human rights, non-discrimination, quality and security, algorithmic

transparency and "Human-in-the-loop" - are legally verified through the prism of criminal procedural law. The strategic boundaries of using this experience in implementing the "Digital Court" concept in the Republic of Uzbekistan within the framework of Decree No. PF-140 are determined.

Key words: *electronic court proceedings, "Human-in-the-loop" principle, algorithmic transparency, European Charter of Ethics, digital inequality, "Paperless Court", procedural guarantee, "Smart Court", algorithmic audit, "predictive justice", "Asynchronous Hearings", digital verification.*

Жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясини рақамлаштириш — бу шунчаки техник янгиланиш эмас, балки процессуал ҳуқуқнинг фундаментал категориялари: «адолатли суд муҳокамаси» (fair trial), «тарафларнинг тенглиги» (equality of arms), «далиллар аутентиклиги» (evidence integrity) ва «судья мустақиллиги» (judicial independence) — ни рақамли форматда қафолатлашнинг янги юридик механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ушбу парадокс шундан иборатки: рақамли технологиялар бир томондан одил судловнинг тезкорлиги ва шаффофлигини ошириш имконини берса, иккинчи томондан алгоритмик ноҳолислик (algorithmic bias), «қора қути» (black box) эффекти, маълумотлар дахлсизлигига таҳдид ва «технологик детерминизм» каби янги ҳуқуқий хавфларни юзага келтиради. Шу сабабли рақамлашув орқали одил судловни таъминлаш масаласи чуқур ва кенг доктринал тадқиқотни тақозо этади.

Мақолада қиёсий-ҳуқуқий метод ёрдамида ривожланган беш давлат тажрибаси таҳлил қилинади ва мазкур тажрибаларнинг Ўзбекистон жиноят процессуал тизими учун имплементация имкониятлари ва чегаралари белгиланади.

Хитой Халқ Республикасининг «Ақлли суд» (Smart Court) концепцияси давлат стратегияси даражасига кўтарилган бўлиб, унинг асосини ташкил этувчи «206 System» интеллектуал дастури кассация инстанциясида сунъий интеллект ёрдамида суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик генерация қилишнинг энг муваффақиятли амалий намунасидир. Ушбу тизим қуйидаги вазифаларни бажаради: овозли нутқни матнга айлантириш (Speech-to-Text) орқали баённомаларни реал вақт режимида шакллантириш; минглаб прецедентлар базасини таҳлил қилиш орқали судьяга энг мақбул ҳуқуқий асосларни тақдим этиш; жиноят иши материаллари ва кўрсатувлар ўртасидаги манتيкий зиддиятларни автоматик аниқлаш.

Хитой Олий Халқ суди маълумотларига кўра, «206 System» судьяларнинг техник иш юқламасини 63% гача камайтирган, ишни кўриш муддати эса 40% тезлашган.¹ Бирок, хитой тизимидаги энг муҳим доктринал принцип — сунъий интеллект мустақил қарор қабул қилувчи субъект эмас, балки «рақамли ёрдамчи» мақомида намоён бўлади. Ҳар бир шакллантирилган ҳужжат лойиҳаси судья томонидан мажбурий тасдиқланиши (верификация) шарт бўлиб, агар тизим таклифидан фарқли қарор қабул қилинса, судья буни ёзма асослаши шарт.

Ушбу «верификация мажбурияти» механизми О.А. Степановнинг сунъий интеллект суд тизимида «консультатив ёрдамчи» вазифасини бажариши лозимлиги тўғрисидаги доктринал позицияси билан тўла мувофиқдир.²

Эстония рақамли одил судлов соҳасида «Paperless Court» концепциясини жорий этиш орқали суд тизимининг тўлиқ электрон форматга ўтишини таъминлаган. Ушбу

тизимнинг ҳуқуқий асоси сифатида мамлакатнинг «Давлат ахборот тизимлари тўғрисида»ги қонуни ва Процессуал кодексларидаги электрон ҳужжат айланишига оид махсус нормалар хизмат қилади.

«Robot-Judge» тизими Эстония Жиноят-процессуал кодексининг 213-моддаси (содалаштирилган иш юритиш) ва ЖПКнинг 160¹-моддаси доирасида консултатив восита сифатида ишлайди. Ушбу технология кичик ҳажмдаги низосиз ишлар бўйича мустақил қарор лойиҳасини генерация қилиш имкониятига эга. Кассация босқичида эса мураккаб ҳуқуқий прецедентларни саралаб бериш ва суд ҳужжатларининг структуравий лойиҳасини тайёрлашда «рақамли ёрдамчи» вазифасини бажаради.³

Эстония суд тизими маълумотларига кўра, e-Court жорий этилгач (2012–2018), ишни кўриш муддати ўртача 6 ойдан 2,5 ойга қисқарган, суд харажатлари 35% камайган. Мазкур натижалар рақамлаштиришнинг нафақат процессуал тежамкорлик, балки иқтисодий самарадорлик жиҳатидан ҳам аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди.

Жанубий Корея дунёдаги энг илғор рақамлаштирилган суд тизимларидан бирига эга бўлиб, унинг кассация босқичидаги рақамли механизми икки асосий тизимга таянади:

WIPS (Work-process Integrated Processing System): Ушбу тизим кассация инстанцияси судьяларига жиноят иши материалларини тўлиқ рақамли форматда ўрганиш имконини беради. Тизим сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида судьяга ишни кўришда зарур бўлган қонунчилик базаси, тегишли прецедентлар ва илмий шарҳларни автоматик равишда тақдим этади. Бу судьянинг маълумот излаш учун сарфланадиган вақтини кескин камайтиради.

K-CORT (Korean Court Online Real-time Transcript): Мазкур технология овозни таниш технологияси ёрдамида суд мажлиси иштирокчиларининг нутқини 98% аниқликда реал вақт режимида матн кўринишига ўтказилади. Жанубий Корея суди маълумотларига кўра, K-CORT жорий этилгандан сўнг баённома тайёрлаш вақти 4 кундан 2 соатга қисқарган.⁴ Сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган баённомалар якуний суд ҳужжатлари учун асосий маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

АҚШ тажрибасида кассация ва юқори инстанция судларида сунъий интеллект технологиялари минглаб ҳуқуқий прецедентлар базасини сониялар ичида таҳлил қилиб, судьяга тегишли ҳуқуқий асослар ва зиддиятларни тақдим этиш механизми орқали ишлайди. АҚШ федерал суд тизимида рақамлаштириш «Федерал жиноят процессуал қоидалари»нинг 5-қоидасига асосан суд ҳужжатларини электрон тизим орқали топшириш ва сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида уларни тизимлаштиришни назарда тутди. «Федерал далиллар тўғрисидаги қоидалар»нинг 901(b)(9)-моддаси сунъий интеллект ва компьютер алгоритмлари томонидан қайта ишланган маълумотларни далил сифатида қабул қилишнинг техник ва ҳуқуқий талабларини белгилайди.⁵

Сингапурнинг «Asynchronous Hearings» (Асинхрон тингловлар) тизими кассация босқичида тарафларнинг кўрсатмалари ва шикоятларини рақамли форматда қабул қилиб, сунъий интеллект ёрдамида уларни қонун нормаларига мувофиқлигини дастлабки скрининг (текширув)дан ўтказилади. Жиноят-процессуал кодексининг 420-моддаси видеоконференцалоқа ва масофавий суд мажлисларини ўтказишнинг қонунийлигини қафолатлайди.⁶ Сингапурнинг eLitigation платформаси ишлар бўйича фуқаро қониқиши 72% дан 91% га ошишига, ишларни кўриш 28% тезлашишига олиб келди.

Давлат / Тизим	Асосий механизм	Ҳуқуқий асос	Самараси
Хитой / Smart Court	Speech-to-Text, прецедент таҳлили	Олий Халқ суди директивалари	Иш юки 63% камайган
Эстония / e-Court	Тўлиқ электрон иш юритиш	ЖПК 213, 160 ¹ -моддалар	Муддат 6 ойдан 2,5 ойга
Ж. Корея / K-CORT	Реал вақт транскрипция	Маълумотлаштириш асосий қонуни	Баённома: 4 кундан 2 соатга
Сингапур / eLitigation	Асинхрон тингловлар	ЖПК 420-модда	Қониқиш 72% дан 91% га
АҚШ / PACER	ЭДМ ва прецедент базаси	Federal Rules, Rule 5, 901(b)(9)	Ҳужжат айланиши автоматлашган

Европа Кенгашининг СЕРЕJ томонидан 2018 йилда қабул қилинган «Суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш тўғрисидаги Этик Хартияси» рақамли одил судловнинг халқаро принципал асосини белгилаб берди. Хартиянинг бешта тамойили рақамли жиноят процессидаги процессуал қафолатларнинг концептуал архитектурасини ташкил этади.

Биринчи тамойил — Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш (Principle of Fundamental Rights): Рақамли технологиялар жиноят ишларини кўришда, хусусан кассация инстанциясида инсон қадр-қимматини камситмаслиги ва алгоритмлар шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини чекламаслиги шарт. Бу тамойил СИ технологияларининг жиноят процессидаги фаолиятини чегараловчи «ҳуқуқий филтър» вазифасини бажаради. Суд ишида ишлатиладиган ҳар бир алгоритм инсон ҳуқуқлари стандартларига мувофиқлиги текширилган (certified) бўлиши лозим.

Иккинчи тамойил — Камситмаслик (Principle of Non-discrimination): Сунъий интеллект тизимларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган маълумотлар базаси ижтимоий, этник, жинсий ёки диний белгиларга кўра камситувчи характерда бўлмаслиги шарт. Агар тизим «ноҳолис» маълумотлар асосида ўқитилса, у кассация босқичида муайян гуруҳларга нисбатан адолатсиз хулосалар бериши хавфи юзага келади. Бу тамойил «privacy and fairness by design» принципини дизайн босқичиданоқ таъминлашни тақозо этади.

Учинчи тамойил — Сифат ва хавфсизлик (Principle of Quality and Security): Судларда қўлланиладиган сунъий интеллект тизимлари фақат расмий ва сертификатланган маълумотлар базалари асосида ишлаши лозим. Кассация босқичида жиноят иши иштирокчиларининг шахсий маълумотлари киберҳужумлардан ва ноқонуний тарқалишдан мутлақ ҳимояланган бўлиши шарт. Ушбу тамойилни таъминлаш учун суд тизимига Blockchain технологиясини интеграция қилиш стратегик зарурат ҳисобланади.

Тўртинчи тамойил — Шаффофлик ва холислик (Principle of Transparency, Impartiality and Fairness): Суд тизимида қўлланиладиган ҳар қандай алгоритм «қора қути» (black box) эффектидан холи бўлиши шарт. Яъни, алгоритмнинг қандай мантиқий занжир орқали муайян хулосага келганлиги тарафлар учун тушунарли ва текширилувчан (traceable) бўлиши лозим. Бу тамойил кассация инстанциясида «алгоритмик шаффофлик» механизмини жорий этишнинг халқаро стандарти сифатида намоён бўлади.

Бешинчи тамойил — «Human-in-the-loop» («Инсон назорати остида»): Ушбу тамойил Этик Хартиянинг марказий ҳуқуқий механизми бўлиб, сунъий интеллект тизимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат консультатив ёрдамчи мақомида бўлишини, якуний қарор қабул қилиш ваколати эса мутлақ судья ихтиёрида сақланишини кафолатлайди. Тарафлар ҳам СИ хулосаларига нисбатан эътироз билдириш ва уларни қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сонли Фармонида «Рақамли суд» концепцияси доирасида: суд мажлиси баённомаларини сунъий интеллект ёрдамида реал вақт режимида матн шаклида тайёрлаш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш, масофавий суд муҳокамаларини ташкил этиш ва судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижасини шакллантириш вазифалари белгиланди.⁷

Мазкур вазифалар Европа Этик Хартиясининг тамойиллари — айниқса «Human-in-the-loop» ва «алгоритмик шаффофлик» — билан органик мувофиқдир. Ўзбекистон суд тизимида 2022 йил ҳолатига кўра суд ҳужжатларининг 78% электрон форматга ўтказилган.⁸ «UZINFOCOM» МЧЖнинг ягона интегратор сифатидаги ваколатлари ушбу жараёни янада тезлаштириш учун институционал кафолат вазифасини ўтайди.

«Рақамли тенгсизлик» (digital divide) — суд жараёнида рақамли саводхонликдаги тафовут туфайли тарафлардан бирининг процессуал тенгликдан маҳрум бўлиши хавфи — рақамлашувнинг энг ноаниқ юридик таҳдидидир. Бунинг ечими сифатида «рақамли тенгсизлик»ни процессуал жиҳатдан бартараф этишнинг норматив кафолатлари — масалан, рақамли воситаларга кириш имконини таъминлаш, ёрдамчи процессуал хизматлар — ЖПКда мустаҳкамланиши лозим.

Маълумотлар дахлсизлиги ва кибертаҳдидлар муаммоларини ҳал этиш учун блокчейн технологиясини суд тизимида интеграция қилиш мақсадга мувофиқ. Блокчейн воситасида сунъий интеллект томонидан қайд этилган ҳар бир процессуал ҳаракатнинг рақамли «изи» (хэш-функцияси) марказлаштирилмаган базада сақланади, бу маълумотларни қайта таҳрирлаш имкониятини мутлақ истисно этади.

Ривожланган давлатлар (Хитой, Эстония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ) тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, кассация инстанциясида сунъий интеллект технологияларини қўллаш шунчаки техник жараён эмас, балки одил судловнинг «башорат қилиниш» (predictability) ва шаффофлик хусусиятларини янги босқичга олиб чикувчи институционал трансформациядир.

Ўзбекистон қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади: биринчидан, ЖПКга «Суднинг рақамли ёрдамчи тизими» институтини киритиш ва унинг консультатив мақомини аниқ белгилаш; иккинчидан, алгоритмик шаффофлик ва тарафларнинг алгоритм хулосаларига эътироз билдириш ҳуқуқини норматив мустаҳкамлаш; учинчидан, блокчейн технологияси воситасида электрон суд мажлиси баённомалари ва рақамли далилларнинг ўзгартирилмаслигини ҳуқуқий кафолатлаш; тўртинчидан, «рақамли тенгсизлик»ни бартараф этишнинг процессуал кафолатларини ЖПКга киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ¹ The White Paper on Judicial Transparency in China: Achievements and Prospects (2024–2025). — Beijing: SPC, 2025. — P. 42–44.
2. ² Степанов О.А. Использование технологий искусственного интеллекта при отправлении правосудия // Государство и право. — 2020. — №10. — С. 102–111.
3. ³ Code of Criminal Procedure of Estonia (Kriminaalmenetluse seadustik) // Riigiteataja. — RT I, 20.12.2023, 1. Art. 160¹, 213.
4. ⁴ Supreme Court of Korea. Annual Report on Judicial IT Services. — Seoul, 2022. — P. 44–46.
5. ⁵ Federal Rules of Evidence. Rule 901(b)(9) // LII, Cornell Law School. URL: https://www.law.cornell.edu/rules/fre/rule_901.
6. ⁶ Criminal Procedure Code 2010 (Singapore). Section 420 // Singapore Statutes Online. URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/CPC2010>.
7. ⁷ ПФ-140-сонли Фармон (21.08.2025) — «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш» // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
8. ⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг 2022 йилга оид ҳисоботи. — Тошкент, 2023. — Б. 14.